Ҳали ўзингиздан аввалгиларнинг тутумига қаричма-қарич, зироъма-зироъ эргашиб кетасизлар

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳали ўзингиздан аввалгиларнинг тутумига қаричма-қарич, зироъма-зироъ эргашиб кетасизлар. Ҳатто улар зоббнинг инига киришса, сизлар ҳам уларга эргашиб кетасизлар», дедилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудий ва насронийларни айтяпсизми?» деган эдик, «Бўлмаса кимни?» дедилар». (Зобб – калтакесакнинг бир тури)

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан кейинги замонда умматларининг баъзилари қандай ҳолатда бўлиши ҳақида хабар бермоқдалар. Бу ҳолат — яҳудий ва насронийларнинг эътиқодлари, амаллари, урф-одат ва анъаналарига қаричма-қарич, газма-газ, ҳар бир қадамда қаттиқ ва ўта аниқлик билан эргашишдир. Ҳатто улар (яҳудий ва насронийлар) калтакесакка ўхшаш ҳайвоннинг инига кирсалар ҳам, ана ўшалар (умматдан бўлган кимсалар) уларнинг ортидан киradилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3355